



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН

2021
1/1

Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми

Бош муҳаррир:

А.Р. МАРАХИМОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ғ.И. БОТИРОВ – ф-м.ф.н.

Таҳрир хайъати:

Сағдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Ҳ. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Ҳ. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Ширинова Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2021



Акмал ЖУРАБОВЕВ,
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг
“Мақтабгача таълим” кафедраси ўқитувчиси
E-mail: журабовев.85@mail.ru

П.ф.н. Каримжонов А. тақризи асосида

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИНИ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ

Аннотация

Мақолада олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия ўқитувчиларининг инновацион педагогик тайёргарлигини ташкил этиш масалалари ўз ифодасини топган. Шу билан бирга, жисмоний тарбия ўқитувчилари томонидан, бакалавр ва магистрантларни келгусидаги инновацион фаолиятга тайёрлашнинг дидактик босқичлари билан боғлиқ масалалар акс эттирилган.

Калит сўзлар: жисмоний тарбия ўқитувчилари, инновацион педагогик фаолият, инновацион фаолият, ўқув-тадқиқот жараёни, тизимлаштириш, назорат, янги ахборот, юқори малакали кадр.

ОРГАНИЗАЦИЯ ЗАНЯТИЙ ПО ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЕ В ВУЗАХ НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИОННЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ

Аннотация

В статье рассматриваются вопросы организации инновационной педагогической подготовки учителей физкультуры в высших учебных заведениях. В то же время учителя физкультуры освещали вопросы, связанные с дидактическими этапами подготовки бакалавров и магистров к будущей инновационной деятельности.

Ключевые слова: учителя физкультуры, инновационная педагогическая деятельность, инновационная деятельность, учебно-исследовательский процесс, систематизация, контроль, новая информация, высококвалифицированные кадры.

ORGANIZATION OF PHYSICAL EDUCATION CLASSES IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS ON THE BASIS OF INNOVATIVE PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES

Abstract

The article deals with the organization of innovative pedagogical training of physical education teachers in higher educational institutions. At the same time, physical education teachers covered issues related to the didactic stages of preparing bachelors and masters for future innovation.

Key concepts: physical education teachers, innovative pedagogical activity, innovative activity, educational research process, systematization, control, new information, highly qualified personnel.

Бугунги кунда дунё микёсида ва республикаимизда бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларига жисмоний тарбия мазмунини илмий асосда ўргатиш, унинг ташкилий ва технологик асосларини лойиҳалаш, келажакда ривожланиш тенденцияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, жисмоний тарбия ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашнинг педагогик технологияларини такомиллаштириш бўйича мақсадли тадқиқотларни амалга ошириш зарурати юзага келмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида белгиланган вазифалар асосида юқори малакали кадрларни тайёрлаш, илмий ва амалий натижаларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш, жисмоний тарбия ўқитувчиларининг ҳар бирдан ижодкорлик ғояларига асосланган касбий салоҳият ва инсоний сифатларга эга бўлиш, педагогик фаолиятини инновацион ташкил қилиш, улар тарбиялаётган ёшларда жисмоний сифатлар билан бирга, юқоқ маънавий маданиятни шакллантириш технологияларини такомиллаштириш муаммоларининг ечимини топиш долзарб аҳамият касб этади.

Инновацион фаолият – амалиёт ва назариянинг муҳим қисми бўлиб, ижтимоий-маданий объект сифатларини яхшилашга қаратилган ижтимоий

субъектларнинг ҳаракат тизими бўлиб, у маълум доирадаги муаммоларни ечиш қобилиятигина эмас, балки ҳар қандай вазиятдаги муаммоларни ечиш учун мотивацион тайёргарликка эга бўлишдир. Ўқитувчи инновацион фаолиятининг марказий масаласи ўқув жараёнини самарали ташкил этишдан иборат.

Жисмоний тарбия ўқитувчиларини инновацион фаолиятини ташкил этишга тайёргарлигини ўрганиш борасида олиб борилган сўровлар натижаси (2015-2016, 2016-2017 ўқув йиллари) жисмоний тарбия ўқитувчиларининг ахборот технологиялари бўйича бошланғич тайёргарлик даражасининг пастлиги, таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш борасида малакасининг етарли эмаслиги, зарурий ўқув ахборотларни мустақил ҳолда ўзлаштира олиш малакаси йўқлиги бу борада талайгина қийинчиликларни келтириб чиқаришини кўрсатди. Тажриба-тадқиқотлар натижасида бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашда касбий йўналган куйидаги функциялар (вазифалар)ни қамраб олиши аниқланди: ривожлантирувчи; жисмоний маданиятни тарбияловчи; коммуникатив; гностик (жисмоний тарбияга оид билимларга эга бўлиш); конструктив-режалаштирувчи; ташкилотчилик.

Бакалавриатура ва магистратура тизимида инновацион педагогик фаолиятга тайёрлашдан мақсад ўқитувчиларга бериладиган назарий билим ва касбий кўникмалар самарадорлигини ошириш, жисмоний тарбия

ўқитувчининг психологик, педагогик маҳоратини янада кучайтириш, рақобат шароитида ишлаш кўникмасини ҳосил қилиш ва умумтаълим мактаблари олдидан турган долзарб вазифаларни тўла тушуниб етишга қаратилган. Ўқитиш ва тарбиялашнинг янги методларини ўз вақтида ўрганиб олишларига шароит яратиш, уларнинг маданий, шахсий такомиллашувларига ёрдам бериш лозим. Аммо бакалавриатура ва магистратурадаги тадқиқот доирасидаги амалдаги педагогик жараён таҳлили унда қатор камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, уларнинг келгусидаги касбий маҳорати ташхисини ўтказишда ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслиги; жисмоний тарбия ўқитувчиларига бўлган эҳтиёж вариатив дастурлар асосида амалга оширилмаётганлиги; педагог кадрларни тайёрлашда уларнинг келгусидаги касбий фаолияти ва малака даражасининг доимий ички-ташки мониторинги йўқлиги, ўқув-моддий негизнинг талаб даражасида эмаслиги, ўқув жараёнига инновациялар ва педагогик технологияларни татбиқ этиш учун зарур бўлган билим, кўникама ва малакаларнинг, шунингдек, мазкур жараёнга йўналтирувчи мотивларни шакллантиришнинг самарали механизми такомиллаштирилмаганлиги каби камчиликлар мавжуд.

2016-2018 йилларда педагогика олийгоҳларидаги бакалавриатура ва магистратура таълим йўналишида таҳсил олувчилар илмий фаолиятининг 65 фоизи (%)ни фаол фикрлаш, мутолаа қилиш, мустақил ишлашга йўналтириш ҳисобланади. Бироқ, педагогика олийгоҳларининг “Жисмоний тарбия” йўналиши бўйича таҳсил олаётган магистрантлар учун асосан ўқув фаолиятининг 25 фоизи маъруза ёки амалий машғулотлар учун ажратилади. Магистрантлар ўқув жараёни илмий тушунишни, билишни ўрганадилар, жуда кўп вақт ўқув дастурлари ва режаларини айтиб беришга, кўпинча уларни ёздиришга сарфланади. Магистратурадаги бу камчилик ижод қилишга ёрдам бермайди, аксинча, бўлажак ўқитувчиларни фикрлашдан узоқлаштиради ва тайёр усулларга ўргатади. Магистратурада таҳсил олаётганлар педагогик фаолиятда ўзларини синаб кўришади.

Бакалавриатура ва магистратура тизимида педагогик инновацияларга бўлган мотивацияни фаол шакллантириш, педагогик маҳорат ва касб малакасини оширишга мустақил интилиш, замонавий педагогик технологияларни ўзлаштириб, уни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш зарурати ошмоқда.

Бакалавриатура ва магистратура тизимида ўқитувчиларни инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш аниқ мақсадга қаратилган ва пухта ишланган, ташхисланган ўқув режалари ва дастурлари асосида амалга оширилганда муваффақиятга эришиш мумкин.

Жисмоний тарбия ўқитувчиларини инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнида таълимнинг дидактик асосларини яратиш орқали ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий фазилатларини камол топтириш, Жисмоний тарбия дарсларида талаба фаолиятини бошқариш муҳим педагогик масалалар сирасига киради.

Бунда таълимнинг дидактик асосларини такомиллаштириш.

учун: 1.Оптимал педагогик-психологик вазиятларни ташкил қилиш, фанлараро интеграциялашув жараёнини таъминлашда тақдим қилинаётган материалларнинг педагогик имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим. 2.Талабаларда дидактик топшириқлар орқали спорт малакаларини ўстиришуларда спорт техникасини англашлари, ўқув материални идрок қилиш жараёнини интенсивлаштириш зарур. Бу эса ўз навбатида

мустақиллигимизни кадрлай оладиган, ўзлигини, жамият, давлат ва оила олдиданги маъсулиятни англайдиган етук шахсни шакллантириш каби вазифалар билан боғлиқ жараёндир. Жисмоний тарбия дарсларида дидактик топшириқлар ўз мазмуни ва қоидалари, тарбиявий таъсир кўрсатишига кўра талабаларда ҳаракат малакалари, спорт техникасини шакллантиради, ақлий фаолияти ривожланади, билимлари чуқурлашади ва кенгайди, ахлоқий фазилатлари таркиб топади.

Талабалар учун фан дастурига киритилган муайян дидактик топшириқларни тизимлаштириш, уларнинг тарбиявий аҳамиятини ва унга қўйилаётган замонавий талабаларни инobatга олиш лозим.

Олий таълим тизимидаги Жисмоний тарбиядан ДТС ўзининг тузилиши ва мазмунига кўра, жисмоний тарбияни ўқитиш жараёнида талаба шахси, унинг жисмоний ривожланиши, интилишлари, қобилияти ва кизиқишлари устуворлигидан келиб чиқади, аммо амалдаги дастурлар бўйича тузилган ўқув қўлланмаларда тақдим қилинаётган топшириқлар ҳар доим ҳам талабаларни инновацион фаолиятга тайёрлаш орқали уларнинг маънавий-маърифий соҳасини ўстиришга мўлжалланмаган.

Олий таълим тизимидаги жисмоний тарбия дастурларининг таҳлилий натижалари шуни кўрсатадики, 3-4 босқич талабаларини келгуси педагогик фаолиятга тайёрлашда бир неча босқичда амалга ошириш учун имконият яратилган, жумладан, аудитория (спорт майдончаси, сузиш ҳавзалари) ва аудиториядан ташқари тадбирлар (жисмонан чиниктирувчи тадбирлар, спорт беллашувлари, спорт-шоулар)да талабаларда спорт техникасининг муайян элементларини шакллантиришга йўналтирилган ўқув материалларини тақдим қилиниши белгиланган.

Олий таълим тизимининг давлат таълим стандарти талабалар умумтаълим тайёргарлигига, савиясига қўйиладиган мажбурий минимал даражани белгилаб беради. Жисмоний тарбия дарсларида фақат дидактик вазифалар эмас, балки инсоний фазилатлар, яъни диққат эътиборлилик, интизомлилик, ирода, саранжомлик, буюмларни эҳтиёт қилиш, шунингдек меҳнатсеварлик, қатъиятлилик, сабот, матонат, мақсадга интилувчанлик, мустақиллик ва қийинчиликларни енгишда қатъийлик таркиб топтиради.

Жисмоний тарбиядан ДТС таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усулларини, унинг сифатини, баҳолаш тартибини белгилайди. 3-4 босқич талабаларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган ДТС талабалари ҳамда ўқув режаларида кўрсатилган ўқув соатлари асосида жисмоний тарбия дарсида талабалар тайёргарлик даражасига бўлган талаблар қуйидаги кўрсаткичлар билан меъёрланади: Ўқув материаллари курслар бўйича қуйидагича режалаштирилган: (ҳафтасига 2 соатдан, жами 72 соат)

Ўтилганларни такрорлаш учун 2 соат. Келгуси педагогик фаолиятга тайёрлаш учун 9 соат. Кўриб турганимиздек, педагогик фаолиятни, хусусан талабаларнинг келгусидаги инновацион педагогик фаолиятини ташкил қилиш кўникмаларини шакллантиришга мўлжалланган соатлар ҳажми етарлича эмас.

Дарсларни тўғри ташкил этиш педагогик фаолиятнинг муваффақиятини ва ўқитувчининг дарслардан олинадиган малака ва кўникмаларни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган турли топшириқларини талабалар бажаришларини таъминлайди. Бу топшириқларни талабалар уйда ёки гуруҳларда мустақил бажарадилар. Шундай қилиб, дарслар талабаларнинг шахсан мустақил ёки гуруҳ

машғулотларининг асоси ҳисобланади. Дарсларда талабаларни машғулот ўтказиладиган материал билан таништирилади. Шунда дарслар ўқув кун тартибидagi жисмоний тарбия тадбирларининг ҳам асоси ҳисобланади. Ўқитувчининг дарс пайтидаги қисқа суҳбатларидан талабалар жисмоний тарбия ва спортнинг вазифалари ҳамда аҳамиятини билиб оладилар. Улар дарсларда ўзлари учун янги бўлган жисмоний машқлар ва ўйин турлари билан танишадилар, уларда гимнастика, спорт ўйинларига қизиқиш тарбияланади. Буларнинг барчаси талабаларнинг келгуси педагогик фаолиятларини тўғри ташкил этишга қўмаклашади, турли оммавий жисмоний тарбия ва спорт тадбирларига жалб этади. Шундай экан, дарс талабалар билан олиб бориладиган барча аудиториядан ташқари оммавий ва спорт ишларининг ҳам асоси ҳисобланади.

Жисмоний тарбия дарсларида таҳсил олувчиларга ўргатиладиган ҳаракатларни режали равишда машқ қилдириш уларга жисмоний тайёргарликнинг энг юкори натижаларига эришишларида ёрдам беради, уларни соғлом қилади, билимларини оширади, жисмоний сифатларнинг таркиб топишига хизмат қилади.

Жисмоний тарбиядан тузилган дастурларда жисмоний тарбия дарслари таълим, тарбия ва

соғломлаштириш вазифаларига эга, деб белгиланган. Таълим бериш вазифалари талабаларни дастурда кўзда тутилган машқларни бажаришга, ўрганилган машқларни ривожлантиришга, шунингдек малака ва кўникмаларни ривожлантиришга, ўрганилган машқларни турли шароитда қўллашга ўргатишдан иборат. Таълим вазифаларини изчил равишда бажариш дастурдаги бутун ўқув материални изчил ва мустақкам ўрганишга олиб келади. Бирок, келгуси педагогик фаолиятини умумий ўрта таълим мактабида инновацион ташкил этишга шайланган талабалар жисмоний тарбиядаги педагогик жараённинг натижалари дарсларда олиб бориладиган ўқув ва тарбия ишининг сифатига боғлиқ эканлигини билишлари шарт. Бунга ҳар бир дарс заминидagi вазифаларни ҳал этибгина эришиш мумкин. Дастурларнинг таҳлилидан кўриниб турибдики, Жисмоний тарбия дарслари билан боғлиқ бўлган энг муҳим масалалардан бири, уни қандай тузиш масаласидир. Дарснинг тузилиши деганда алоҳида дарсни тузишда фойдаланиладиган тахминий режа тушунилади. Дарснинг инновацион тузилиши ўқитувчи машқларни оқилона танлашга, материални тўғри жойлаштириш ва дарсдаги нагрукани аниқлашга ёрдам беради.

АДАБИЁТЛАР

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. – Т., 2017 йил. 7 январь.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент. Ўзбекистон. 2016.
3. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси. – Т.: Ўқитувчи. 1994 й. - 292 б.
4. Хуррамов Э.Э. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш. – Чирчиқ 2019 – 40-45 б

МУНДАРИЖА

Тарих

| | |
|--|----|
| Вайсова Н. Некоторые новые аспекты в изучении Согдийской колонизации Великого Шелкового пути..... | 4 |
| Джураева С. Сурхондарёдаги Хонжица зиёратгоҳлари..... | 7 |
| Кличев О. “Таржимон” газетаси саҳифаларида Манғит хонадони вакиллари Россия империясига таширларининг ёритилиши..... | 11 |
| Мамажонов Д. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши жараёнининг зиддиятли жиҳатлари..... | 15 |
| Матяқубов Х. Суюрлитепа ўтмиш тарихимизнинг ноёб ёдгорлиги | 20 |
| Содиқов Ф. Хива хонлиги ва Бухоро амирлигида маҳаллий ҳокимият тузилиши..... | 27 |
| Shukurov R. Buxoro amirligi tarixi zamonaviy tarixshunoslik tadqiqotlari kontekstida..... | 31 |

Фалсафа. Педагогика. Методика. Социология

| | |
|---|-----|
| Алимардонов Т. Амир Темурнинг сиёсий фалсафаси..... | 36 |
| Алимардонова Р. Ўзбек оилаларида ёш келин-куёв психологик кийфасини ифодаловчи хулқ-атворнинг эмпирик кўрсаткичлари..... | 41 |
| Арзиқулов Д. Спорт-педагогик фаолият қобилиятлари ривожланиши жараёнидаги ижтимоий-психологик тўсиқларнинг роли ва аҳамияти..... | 46 |
| Ahmedov J. Hokimiyat legitimligi turlari va ularning ijtimoiy-siyosiy mohiyati..... | 51 |
| Аҳмедова Д. Ўзбекистонда меҳнат миграциясининг тартибга солиниши: назарий ёндашув ва амалий ечимлар..... | 54 |
| Ботиров Б. Ислох ҳуқуқида инсон ҳуқуқлари, мажбуриятлари тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари..... | 57 |
| Буранова Д. Мутахассислик фанини инглиз тилида ўқитиш кадрлар тайёрлаш сиёсатининг муҳим жиҳати сифатида..... | 62 |
| Далимова Н. Ҳаёт модели ижтимоий психологиянинг тадқиқот муаммоси сифатида..... | 67 |
| Журабоев А. Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия дарсларини инновацион педагогик технологиялар асосида ташкил этиш..... | 70 |
| Жураева М. Роль Центральной Азии в мировом пространстве экономических отношений..... | 73 |
| Исматова М. “Oilaviy” телеканалда оила парадигмаси..... | 76 |
| Кўйлиев Т., Сапаров Б. Экологик муаммоларнинг моҳиятини англашда маънавиятнинг ўрни..... | 80 |
| Махамматов А., Омонов Х. Формирование музыкального восприятия школьников..... | 84 |
| Muminov X. Oliy texnik ta'limda masofaviy ta'lim orqali imkoniyati cheklangan talabalarning ko'nikma va malakalarini shakllantirish metodikasi..... | 88 |
| Назаров Н. Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликларида эл бирлигини таъминлаш масалалари..... | 91 |
| Норов Т. Навоий онтологик фалсафасида самовот ва замон талқини..... | 95 |
| Саидов С. Замонавий халқаро муносабатлар тизимида сиёсий интеграция моделлари..... | 99 |
| Саидова Б. Ўрта Осиёнинг қадимги замон аёллар мактаблари..... | 103 |
| Саидрасулова М., Абдусаттаров Э. Раҳбар кадрларни тайёрлашнинг замонавий талаблари..... | 106 |
| Содиқова Ш., Хусанова Х. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялашда ўзаро кўмак омилининг тарихий аҳамияти..... | 108 |
| Тоҳирён А. Тарихий хотиранинг шаклланиш механизмида педагогик омиллар..... | 112 |
| Тургунова Н. Ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг замонавий тенденциялари..... | 116 |
| Файзиёв Ш. Ёшларда китобхонлик маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари..... | 120 |
| Fayzieva O. Students sports as a factor for training athletes of higher achievements..... | 123 |
| Файзиёва Ф. Социологик тадқиқотлар самарадорлигини оширишда социологик маданиятнинг аҳамияти..... | 130 |
| Khaitmurodova N. Strength training in physical education of students..... | 134 |
| Хайдаров И. Ички ишлар органлари ходимларини жисмоний тайёргарлигини психологик хусусиятлари..... | 140 |
| Xaydarova A. Zamonaviy jamiyat rivojlanishida virtual reallik texnologiyalarining qo'llanilish samaradorligi..... | 143 |

Филология

| | |
|--|-----|
| Abdurahmanova S. O'zbek kompyuter lingvistikasi va avtomatik tahrir dasturini yaratish tamoyillari..... | 147 |
| Ақбаров Ш. Мифонимы: демон, ангел, муза в лирике М.Ю.Лермонтова..... | 149 |
| Аметова У. Адабий анъана ва ижодий ўзига хослик..... | 152 |
| Ahmadjonova M. “Devonu lug'otit-turk” asari ramiz asqar nigohida..... | 155 |
| Баходиров Ж. Ўзбек ва инглиз тилларидаги ижтимоий рекламаларнинг лингвистик ва стилистик (услугий) хусусияти..... | 160 |
| Буриева У. Тўлиқсиз гапларни ажратишнинг асосий омиллари..... | 163 |
| Гизатуллина С. Творческий путь А. Н. Толстого как сатирика..... | 166 |
| Джафарова Д. Француз ва ўзбек тилларида “тарихий хотира”ни акс эттирувчи архаик фразеологик бирликлар..... | 169 |
| Ёдгоров Ж. Ономатолик сўз: фонографик восита ва лингвопоэтик макон..... | 173 |
| Жабборова А. Фразеологик бирликлар шаклланишининг антропопрагматик (шахс) омиллари..... | 176 |
| Жўрабоева Г. Ўрта аср манбаларида Фарғона водийси топонимлари тадқиқига доир..... | 179 |
| Ibragimov J. “Qutadg'u bilig” istioralari tarjimalarining qiyosiy tahlili (o'zbek, rus va ingliz tillari misolida)..... | 183 |
| Исламов Ў. Нутқ маданиятининг илмий муаммолари..... | 187 |
| Каримова М. Тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги ва афоризмлар тадқиқи..... | 190 |
| Курбонова Г. Ономастик бирликлар ва фразеологизмларнинг миллийликни акс эттириш хусусияти | 193 |
| Mavlonova O'. Kinoya yo'xud istehzo turlari..... | 197 |
| Муминова З. «Ҳадийқот ул-арифин»да дидактик ғоялар ва уларнинг манбалари..... | 200 |
| Мухамедова Л. Француз тилидан ўзлашган ҳарбий терминларнинг фонетик мослашуви (инглиз ва француз тили фонологик системаларининг хусусиятлари)..... | 204 |
| Muhiddinova G. Kommunikativ akt va mulqot jarayoni..... | 207 |
| Rasulmukhamedova U. Implicity in artistic text and ways of its study..... | 210 |
| Рахманова А. Корпусларнинг лингвистик тадқиқотлардаги ўрни..... | 213 |
| Таджиматова Г., Умирзаков К. Нутқ маданияти масаласи: ўтмиш ва ҳозирги кун..... | 217 |

| | |
|--|-----|
| Тиловова Г. Немис ва ўзбек тилларида ўрмончилик терминларининг антонимик таҳлили..... | 221 |
| Umarova M. The peculiarities of proverbs and sayings..... | 225 |
| Ўраева Д., Ражабова М. Алишер Навоий ижодиётида телбаликнинг мотивлаштирилиши..... | 229 |
| Хасанова Ф. Тилшуносликда нутқий жанрлар таснифи..... | 233 |
| Khudoyqulova D. Analysis the status and development stages of pharmaceutical terms..... | 236 |

